

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

"Urganch Cholish Konsalting" markazi bilan Urganch tuman MTB o'rtasida 07.06.2022-yilda tuzilgan 25-sonli "Pudrat shartnomasi".

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va hujjat sanasi haqidagi ma'lumot:

Urganch tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan. Hujjat raqami va sanasi QD76514413, 07.06.2022-yil.

4. Mazkur loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va O'zbekiston Respublikasi 1998-yil 29-avgustda qabul qilingan "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonun talablariga javob beradi. Loyihada o'zaro hisob-kitob qilish tomonlarning ma'suliyati, javobgarligi hamda nizolarning hal qilish tartibi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Urganch tuman yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti**

07.06.2022-yil.



B.R.Yusupov

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Урганч туман МТБ (марказлашган) номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиги **О.Пирназаров** бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "Урганч Чолиш Консалтинг" маркази номидан Низом асосида иш курувчи **Ж.Тураев** иккинчи томондан Урганч туман МТБга қарашли 8-сон МТТни жорий таъмирлаш (тўсиқ девор) буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб куйилади;

Вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

Беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини булиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Урганч туман МТБга қарашли 8-сон МТТни жорий таъмирлаш (тўсиқ девор)смета лойихада кузда тутилган объектни куриш буйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш,уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома буйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг билан тасдиқланган ишлар қиймати **ҚҚС** ҳисобга олган ҳолда жорий нархларда **285 231 000 (Икки юз саксон беш миллион икки юз ўттиз бир минг)** сўми ташкил қилади.

4.Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно :

курилиш қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч(форс-мажор)ҳолатлари сабаб булганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортика узгартирилганда.

5.Таъмирлаш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7.Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга I - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш, бунда объект нархининг камида 20% микдоридagi ишларни уз кучлари билан бажариши шарт;

курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси,субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш,шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар,конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

курилиш майдони куриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

8.Мазкур шартномани бажариш учун

Буюртмачи: (пудрат шартномасига асосан I-илова ишларни бажариш графикаи 2-илова молиялаштириш графикаи) мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага I - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярқли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини таъминлаш;

Пудратчининг барча муурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2 - иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

9. Шартнома: миллий валюта "Сум" да узаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб, кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сумда" узаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан утқазилгандан кейин қучга қиради.
10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган ишларни бажари гарафика мувофиқ шартнома тузилган кундан бошлаб кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **30 кунни** ташкил этади.
13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига мазкур шартнома бўйича ташкилотнинг молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг ҳисоб рақамига ишларни умумий қийматининг 30 фоиз миқдорига аванс ўткази, бу **85 569 300 (Саксон беш миллион беш юз олтмиш тўққиз минг уч юз)** сўмни ташкил этади.
15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.
16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати қабул қилингандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизигача доирасида амалга оширилади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома қучга қирган кундан бошлаб утғиз қун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар қиритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

18. Буртмачи қурилиш майдонида уз вақилини- техник аудиторни тайинлайди, у Буртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
19. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
20. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширс, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
21. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмас, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.
22. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ қуча поласасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди

IX. Енгиб булмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари

23. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.
24. Агар енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қилидилар.
25. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

26. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.
27. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 қун мобайнида қабул қилиб олинади.
28. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 қун олдин мазкур шартноманинг V-булимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қелишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.
29. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XI. Қафолатлар

30. Пудратчи:
барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини, узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуксонларни уз вақтида баргараф қилишни;

объектлан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

31.Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб белгиланади.

XII.Шартномани бекор қилиш

32.Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга куйайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда; Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

33.Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда; Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34.Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

35.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

36.Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

37.Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

Тарафлар шартнома тузушда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганида сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилинмасликка келишиб оладилар.

Тарафларда шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши буйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ, муносабатлар юзасидан конунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар олинишига йўл берилмаганлигини, шартнома тузиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (қелажақда бу турдаги ҳаракатлар амалга ошириши мумқунлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар қўради.

Тарафлар давлат хизматлари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижровий ўргинлари, мансабдор шахслари ва ходимлари ҳар қандай вақт ва шақилда қуйдаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учунчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди): а) назорат қиливчи ўргинлардан лицензия ва рўхсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, конунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда конунга ҳилоф равишда расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, конунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда конунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликлар эга бўлиши ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг тақлиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) конунга ҳилоф равишда олинмаган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойи фаолиятдан олинмаган даромад эканлиги тасдиқланган маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантдирилиши, ёхуд алмаштирилиши йўли билан унинг келиб чиқиши конуний тус бериши, бундан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, қўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қийматига қарашлилигини яширишга; д) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, таъийқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат буйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат ўргинларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш буйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рўхсатномалар ва бошқа рўхсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини қўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, ҳуқуқшунослари, хисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйдаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт; - коррупциявий ҳаракатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъийқ ўтказилмаслигини кафолатлайди.

Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларнинг 5.4 ва 5.5- бандларида белгиланган мажбуриятларни бузулишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиш ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўшилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилиниши талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби буйича иккинчи тараф томонидан қойдабузарликларни бартараф қилиш буйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилмаган ёки қўриб чиқиш натижалар ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XIII.Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

38.Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Узбекистон Республикаси қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

39. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молилаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05 фоизи миқдорига пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

40. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 20 фоизи миқдорига жарима тулайди.

41. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05 фоиз миқдорига пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз

бажарилган ишлар қийматининг 0,05 фоизи миқдорига пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

42. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарни қоплайди.

43. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIV. Низоларни ҳал этиш тартиби

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан қуриб чиқилади.

XV. Алоҳида шартлар

45. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

46. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар томонидан имзоланиб, Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ҳазначиликдан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 31.12.2021 йилгача қадар амал қилади.

47. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қулланилади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

"Урганч Чолиш Консалтинг" маркази	Урганч туман МТБ (марказлашган)
Манзили: Урганч тумани Аль-Хоразмий куча 16 уй	Манзили: Урганч тумани Мустақиллик кучаси 35-уй
Тел/факс: 93-922-77-89	Тел/факс: 35-21-146
х/р: 20208000004492641001	ш/хр: 401722860332177091100251008
ИНН: 206 376 599	ш/хр: -----
Банк: АТБ Агробанк Урганч туман филиали	ИНН: 305153462 ОКОНХ: 92400
МФО: 00569	Молия Вазирлиги Ҳазначилиги
ОКОНХ:	Ҳазна х/в : 23402000300100001010
	Банк : Марказий банк Тошкент ш ХККМ
	МФО : 00014 ИНН: 201122919



М.Ў

Ж.Тураев



М.Ў

О.Пирназаров

**Урганч туман МТБга қарашли 8-сон МТТни жорий таъмирлаш (тўсиқ девор) бўйича ойлар давомида
ишларни бажариш графиги**

1-илова

Т/р	Объект номи ва манзили	Хажми бирлигининг киймати	2022-йил учун ишларни бажариш киймати													
			1-чорак				2-чорак				3-чорак				4-чорак	
			январ	феврал	март	апрел	май	июнь	июль	июль	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	
1	Урганч туман МТБга қарашли 8-сон МТТни жорий таъмирлаш (тўсиқ девор)	285 231 000,00	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
		285 231 000,00														



Бўйртмачи:



Гўдратчи:

**Урганч туман МТБга карашли 8-сон МТТни жорий таъмирлаш (тўсиқ девор) буйича ойлар давомида
молиялаштириш графиги**

2-илова

Тр	Объект номи ва манзили	Хажми бирлигининг киймати	2022-йил учун молиялаштириш киймати											
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
			январ	феврал	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
1		3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Урганч туман МТБга карашли 8-сон МТТни жорий таъмирлаш (тўсиқ девор)	285 231 000,00												
	Аванс суммаси	85 569 300,00						85 569 300,00						
	Баजारилган иш учун	199 661 700,00						199 661 700,00						



Бюрогачи:

[Handwritten signature]



Пудратчи:

[Handwritten signature]